

Бу аёл шу даражада тавба қилдики

03:20 / 04.11.2017 3936

Имрон ибн Ҳусойн ал-Хузойй розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Жухайна қабиласидан бўлган бир аёл зинодан ҳомиладор бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келди. Ва: “Эй Аллоҳнинг расули, менга ҳад (шаръий жазо) лозим бўлди. У жазони менда қоим қилинг”, деди. Аллоҳ набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг валийсини чақириб, **“Унга чиройли муомалада бўл. Агар боласини туғса, менинг ҳузуримга у аёлни олиб келгин”**, дедилар. Валийси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларини қилди. Аёл келтирилгач, Аллоҳ набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам буюргандилар, у хотиннинг кийимларини боғланди, сўнгра буюргандилар тошбўрон қилинди. Сўнгра унга жаноза намози ўқидилар. Бас Умар розияллоҳу анҳу: “Эй Аллоҳнинг расули, зино қилган аёлга ҳам намоз ўқийсизми?” деганларида, у зот: **“Бу аёл шу даражада тавба қилдики, агар Мадина аҳлидан етмиштаси орасида бу тақсим қилинса, уларга мўлкўл бўларди. Сен ўз нафсини Аллоҳ азза ва жаллага фидо қилгандан ҳам афзал кишини кўрганмисан?”** дедилар. Имом Муслим ривоятлари.